

“Табиат учун ғамхўрмиз” шиори остидаги марофон старт олди



Бугун атроф-муҳит тозалигини асраш ҳар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда турли тарғибот ва хайрия тадбирлари ўтказилиб келиняпти.

Туман Экология бўлими, Экология партияси, Термиз Давлат Университети ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти талабалари “Табиат учун ғамхўрмиз” шиори остида Учкизил МФЙдаги Катта қум массивидаги чиқиндиларни тозалаш марофонида фаол иштирок этишди.

"Био техно эко" МЧЖнинг махсус техникалари ёрдамида ҳудуд анчагина чиқиндилардан тозаланди.